Тошкентда ИҲТ ТИВКнинг 43-сессияси ўз ишини бошлади

2016 йилнинг 18 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси ўз ишини бошлади.

Унда 50 дан ортиқ аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар ҳамда қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Тошкент сессияси ИҲТ ТИВКнинг 2017 йилда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисига қадар Ўзбекистон Республикаси раислигининг расман бошланиши бўлади.

Ўзбекистон расилигининг шиори – "Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик йўли".

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Матбуот хизмати